O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

**HOKIMI**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Самарқанд вилояти**
**Самарқанд тумани**

**ХОКИМИ**

# ҚАРОР

9 yil "18" феврал                                                  № 166-В

**Самарканд туман Охалик кишлок фукаролар йигини Кавчинон махалласида жойлашган гушт дукон бино иншоотига эгалик килиш хамда ер майдонидан доимий фойдаланиш хукукини фукаро Усмонов Санъатга бериш хакида.**

Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1997 йил 2 июндаги « Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тугрисидаги 278-сонли карори, Адлия Вазирлиги томонидан тасдикланган "Бино, иншоотларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида"ги 387-сонли ва 1999 йил 27 майдаги «Узбекистон Республикасида ер участкаларига булган хукукларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисидаги» 736-сонли йурикномаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, туман «Ермулккадастр» хизмати мутахассислари томонидан 2009 йил 16 февралда тузилган текшириш далолатномаси, фукаро Усмонов Санъатнинг туман хокими номига ёзган аризаси, туман давлат солик инспексиясининг 2009 йил 18 февралдаги 03/1-656 сонли фукаро Усмонов Санъатнинг давлат соликларидан карзи йуклиги тугрисида маълумотномаси, туман «Ермулккадастр» хизмати томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация хужжати, такдим этилган барча хужжатлар хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. Самарканд туман Охалик кишлок фукаролар йигини Кавчинон махалласида жойлашган жами: А-литерадаги курилиш тагидаги ер майдони 26,84 кв.метрдан иборат гушт дукони бино-иншоотларига эгалик килиш хамда эгаллаган жами: 26,84 кв.метр майдонидан доимий фойдаланиш хукуки фукаро Усмонов Санъатга берилсин.

2. Узбекистон Республикасининг «Солик кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва кадастр руйхатидан утказиш туман Давлат солик инспекцияси бошлиги З. Аминов ва туман «Ермулккадастр» хизмати бошлиги Т Шароповга топширилсин.

3. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини Б. Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** [signature] **Б. Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
**ХОКИМИ** 87

# ҚАРОР

2009 yil "20" феврал                                                   № 173-19

«Куштамгали кишлок фукаролар йигини Козиарик махалласи худудида укув куроллари савдо дукони куришга рухсат бериш тугрисида».

Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида»ги карори, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси хамда туман хокимлигида фукаро Туробов Ахадкулнинг ёзган аризасига асосан

К А Р О Р   К И Л А М А Н :

1. Куштамгали кишлок фукаролар йигини Козиарик махалласи худудидан фукаро Туробов Ахадкулга укув куроллари савдо дукони куриш учун масохати 4м х 6м = 24 м.кв кишлок хужалигида фойдаланмайдиган ер майдони ажратиш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиклансин.

2. Фукаро Туробов Ахадкулга укув куроллари савдо дуконини курищдан олдин катъий равишда лойиха хужжатларини тайёрлаб куча томони куринишини туман архитектура ва курилиш булими ( туман бош архитектори Ф.Мардонкулов) билан келишилган холда куриш хамда туман хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси руйхатидан утказиш юклатилсин.

3.Ушбу карор бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими                                        Б.Садуллаев